# ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТДИР ДУНЁ!




Замонамиз қизларига тан берсанг арзийди. Улар барча соҳада илғор. Айниқса, илм олишга бўлган иштиёқларининг баландлиги сабаб, барча ўқув даргоҳларининг энг фаол талабалари шу гўзал маликалардир. Шунингдек, улар ҳар бир касбни эътибор ва тиришқоқлик билан эгаллашади. Бу галги ҳафта гўзалининг соҳибжамол иштирокчиси Гулруҳ ОТАМУРОДОВА ҳам ўзи севган касбни мукаммал эгаллаш йўлида интилиши ва шижоатини аямаган қизларимиздан.

У 1982 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Тиббиёт соҳасига меҳри баланд қиз тиббиёт институти қошидаги лицейда таълим олгач, дастлаб тиббиёт коллежида, сўнгра I Тошкент давлат тиббиёт институтининг олий маълумотли ҳамшира бўлимида таҳсил олган. Ҳозирда Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпиталининг юз-жағ жарроҳлиги бўлимининг катта ҳамшираси.

Мақсади – юқори малакали шифокор бўлиш

Хоббиси – ҳинд киноларининг ашаддий мухлиси.

Лобар ва зебо қизлар! Сизларнинг ҳар бирингизда суратингизни газетамизнинг энг оммабоп рукнларидан бирида эълон қилиш ва «Ватанпарвар»нинг «Ҳафта гўзали» номига сазовор бўлиш имкони бор.

Таҳририятимиз манзилига ўзингизнинг энг яхши суратингизни (рангли, ўлчами 10x15 см.дан кичик бўлмаган) жўнатинг. Қисқача ўзингиз, қизиқишларингиз, ҳаётий интилишларингиз ва орзу-мақсадларингиз ҳақида ёзиб юборинг. Ўз почта манзилингиз ва алоқа боғлаш учун телефон рақамингизни кўрсатишни унутманг (бу маълумотлар фақат таҳририят учун, улар сир сақланишига кафолат берамиз).

Газетхонларимизнинг энг кўп овозини тўплашга муваффақ бўлган суратнинг эгаси эса таҳририятимиз мукофотига сазовор бўлади.

## В МИРЕ РЕКОРДОВ

● Старейшей жительницей Земли признана 116-летняя женщина из Эквадора Мария Эстер Каповилла, которая родилась 14 сентября 1889 года на западе страны. Ее имя внесено в Книгу рекордов Гиннесса в соответствующий раздел. Ранее титул старейшего жителя Земли принадлежал 115-летней американке. У Каповиллы пятеро детей, четверо внуков и девять правнуков, а также двое праправнуков. Как передает Reuters, старейшая из живущих жителей планеты находится в добром здравии, хорошо видит, регулярно читает прессу и самостоятельно ходит. Самый старый мужчина на планете, согласно Книге рекордов Гиннесса, – пуэрториканец Эмилиано Дель Торо. Ему 114 лет.

● В голландском Леувардене установили новый домино-рекорд. Одна за одной упали более четырех миллионов костяшек. Шоу продолжалось полтора часа. Сам праздник в Нидерландах больше походил на сказку. Костяшки расставляли два месяца, чтобы разрушить легким движением руки. Честь выпала певице Анастейше. Полтора часа движения прошли без единой осечки. 4 миллиона 155 тысяч костяшек упали одна за другой. Рекорд взят, и теперь он попадет в Книгу Гиннесса, как и планировали организаторы.

КЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ



Қуйидаги қўшиқ бастакор ва ижрочиси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шуҳрат Дадажонов. Матн муаллифи Анвар Обиджон.

## ХАЛҚИМ

Эй, бунёдкор доно элим,
Ўз аҳлингда мардона бўл.
Лочин посбонларинг борки,
Ташвишлардан бегона бўл.
**НАҚОРАТ:**
Боғинг пайхон бўлмас халқим,
Қалъанг вайрон бўлмас халқим,
Кўзинг гирён бўлмас халқим,
Омон бўлса посбонларинг.

Мақсадларинг улкан-улкан,
Улканроғин кўзла яна.
Аждодлардек оламга сен,
Мағрур боқиб сўзла яна.

Халқим сенда Навоийлар,
Бухорийлар имони бор.
Бизнинг қонда Темур бобо,
Жасоратин вулқони бор.

Она халқим фарзандларинг,
Берган тузинг оқлар доим.
Ҳар бир қарич тупроғингни,
Ёмон кўздан сақлар доим.



Умуман олганда Қизил (қизғиш) Ит йили ўтаётган йилга қараганда яхши, ижобий бўлади. 2006 йилнинг баъзи воқеалари барчамизни ҳаяжонли онларни бошдан кечиришга мажбур этса-да, биз барибир кўнгилсизликларнинг олдини олишга ёки уларни энг кам йўқотишлар билан енгиб ўтишга эришамиз. Одатда, хуриётган ит ҳеч қачон тишламайди. Аммо барибир унинг жиғига тегиш лозим эмас.

# ИТ ЙИЛИ – ХОСИЯТГА БОЙ

**ИТ.** Сиз ўзингизда қўшимча қобилиятларни кашф қилишингиз мумкин бўлиб, улар сизга фан, сиёсат ва бизнесда юқори чўққиларни забт этишга имкон яратади. Фақат ҳеч нарсани «кейин»га қолдирманг. Бу сизнинг йилингиз – ўзингиз ҳал қилишингиз лозим. Оилавий аҳволингиздаги ўзгаришлар муваффақиятли бўлади – бахтли турмуш қуришингиз кутилмоқда. Агар аввалги турмушингиз тарқаб кетган бўлса, умидсизликка тушманг: ўз тақдирингизни топиш имконияти бор.

**ТЎНҒИЗ.** Ушбу йил сиз учун – хотиржамлик билан куч-қувват тўплаш йили. Ишда ва хизматда сизни баъзи ўзгаришлар кутмоқда, аммо улар қандай бўлиши ёнингиздагиларга боғлиқ бўлади. Сиз шундоқ ҳам ёркин шахссиз, бироқ яна ишончли иттифоқчи ёки ҳомий топишга ҳаракат қилинг. Оилангизда барчаси кўнгилдагидек бўлади. Ва яна: ишончингизни суиистеъмол қилишга, ундан ўз мақсадида фойдаланишга уринишлар бўлади, шу сабабли барча илтимос қилганларга ёрдам қўлини чўзишга шошилманг. Яқинларингиз ва синалган дўстларингиз бундан мустасно.

КИМ ЎЗИ КИМ?

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Ит | 1934 | 1946 | 1958 | 1970 | 1982 | 1994 |
| Тўнғиз | 1935 | 1947 | 1959 | 1971 | 1983 | 1095 |
| Сичқон | 1936 | 1948 | 1960 | 1972 | 1984 | 1996 |
| Сигир | 1937 | 1949 | 1961 | 1973 | 1985 | 1997 |
| Йўлбарс | 1938 | 1950 | 1962 | 1974 | 1986 | 1998 |
| Қуён | 1939 | 1951 | 1963 | 1975 | 1987 | 1999 |
| Балиқ | 1940 | 1952 | 1964 | 1976 | 1988 | 2000 |
| Илон | 1941 | 1953 | 1965 | 1977 | 1989 | 2001 |
| От | 1942 | 1954 | 1966 | 1978 | 1990 | 2002 |
| Қўй | 1943 | 1955 | 1967 | 1979 | 1991 | 2003 |
| Маймун | 1944 | 1956 | 1968 | 1980 | 1992 | 2004 |
| Товуқ | 1945 | 1957 | 1969 | 1981 | 1993 | 2005 |



**СИЧҚОН.** Ушбу йилда сиз хизматда ҳам, уйда ҳам ўз ҳуқуқларингиз учун курашишингизга тўғри келади. Албатта, икки фронтда кураш олиб бориш қийин, шунинг учун сизга шипшитиб қўямиз: аввал уйингизни тартибга солиб олинг, кейин бошқа ишларга эътибор қаратинг, ҳеч нарсани кўздан қочирмасликка ҳаракат қилинг. Севги бобида эса барчаси ёки деярли барчаси ўзингизга боғлиқ бўлади.

**СИГИР.** Ит йили сизга қувноқ ва осойишта ҳаёт ваъда қилмоқда. Раҳбарият сизни мақтайди, мухлисларингиз эса янада жиддий, расмий муносабатларга ўтишни таклиф қилишади. Ҳар ҳолда хатога йўл қўймасликка ҳаракат қилинг: иш ва ўқишга кўпроқ куч ишлатинг, яқинларингизга нисбатан ғамхўр ва эътиборли бўлинг – бу яхши натижаларга олиб келади. Агар ҳозирча никоҳ ришталари билан боғланган бўлмасангиз, шошилманг: тўй учун энг яхши вақт 2006 йилнинг август ойи бўлади.

**ЙЎЛБАРС.** Келаси йили ўз иззатталаб ниятларингизни амалга ошириш ва мавқе борасида мисли кўрилмаган чўққиларга эришиш учун ажойиб имконият бўлади. Албатта, раҳбарлар, ҳамкасблар, хизматдошлар ва яқинларингиз билан яхши муносабатларда бўлиш доимо кўнгилли. Аммо бундай вазиятда сиз ҳар доим ҳам ўзингиз хоҳлагандек иш тута олмайсиз. Мустақил бўлиш ва аввало ўз манфаатларингиз ҳақида ўйлаб кўриш вақти келмадимикан? Ҳаракат қилиб кўринг. Юлдузлар – сиз томонда. Шу жумладан ишқ-муҳаббат бобида ҳам.

**ҚУЁН.** Ҳеч кимга уруш эълон қилиш керак эмас, яхшиси оппоққина ва момиққина бўлиб кўринган маъқул: бошлиғингиз, турмуш ўртоғингиз, севгилингиз руҳиятига мос иш тутишга уриниб кўринг. Умуман, ўз йўналишингизда қатъий бўлишга интилинг: ижодий режаларингизни амалга оширинг – айтганча, бунда ажойиб натижаларга эришишингиз мумкин. Пулни ўз ҳузур-ҳаловатингиз учун сарф қилинг.

**БАЛИҚ.** Гўё, ҳаммаси кўнгилдагидек: ишлар тартибга солинган, оилада – тинчлик-хотиржамлик, аммо сизга барибир нимадир етишмаётгандек. Қўшимча қувонч манбаини изланг. Ташқи кўринишингизни ўзгартиринг, спорт билан шуғулланинг, янги танишлар орттиринг. Агар ўзгаришлар сизга хуш кайфият бераётган бўлса, демак, сиз ҳаммасини тўғри қилаяпсиз. Фақат асосий қадриятларингиз – муҳаббатингиз ва оилангизга доимо содиқ бўлинг. Барча саъй-ҳаракатларингиз ўз амалий натижасини 2006 йилнинг охирида беради.

**ИЛОН.** Сизда доимо янги фикр ва ғоялар пайдо бўлади, бироқ, балки бошлаб қўйилган ишни ташламасдан, охирига етказиб қўйиш лозимдир? Ҳатто сизни танқид қилишаётган ва муваффақиятингизга ишонишмаётган бўлса ҳам! Судралиб юрувчи бўлиб туғилган ҳеч қачон уча олмайди, дейишса ҳам майли, ҳақиқатда эса сиз учишларни бошқаришга ҳам қодирсиз. Бас шундай экан, бошқарувчилик ролини ўз қўлингизга олинг. Табиий уддабуронлик ва қатъийлик ҳеч қандай таваккалсиз ниятингизга етишингизга имкон яратади.

**ОТ.** Атрофингиздаги сизга қойил қоладиган ва ундай бўлмаганларни ўзимники ёки бегонага ажратишни бас қилинг. Сизни кўпроқ ғашингизга тегадиган ўша кимсага диққат билан эътибор қаратинг, айнан у билан сиз кейинчалик яқинлашиб кетасиз. Айниқса, агар у Ит бўлса. Янги йилда мавқе ва лавозим борасида ҳатто таътил даврида ҳам унутманг. Оилавий муносабатлар эса кўнгилдагидек бўлади.

**ҚЎЙ.** Ҳамкасблар билан мулоқотингиз осон кечмаяпти ва сиз қадрингизга етмаётганликлари учун хафа бўлаяпсизми? Янги йилда сиз учун ушбу муаммонинг иккита ечими бор: иш жойини ўзгартириш ёки мавжуд шароитга кўникиб, ўз куч-қувватингиз ва идрокингизни ишларни яхшилаб олишга сарфлаш. Уйингизни тартибга келтириш билан шуғулланинг. Иш ёки хизматда эса шахсий нарсаларни аралаштирманг ва муаммолар келиб чиқишига сабабчи бўлманг.

**МАЙМУН.** Янги кийим-кечак ва турли сайр-томошаларга харажатни камайтиринг – сизнинг кўринишингиз шундоқ ҳам яхши. Яхшиси маблағни ёқимсиз бўлса-да, аммо жуда муҳим ва зурур бўлган мақсадларга сарфланг: чет тилини ўрганинг, лавозим борасида кўтарилиш учун муҳим бўлган курсларга қатнанг, уйингизни яхшилаб таъмирланг. Чеккан «жафо»ларингиз учун Ит сизнинг энг эзгу орзуингизга етишингизда ёрдам беради. Аммо бунинг учун куч-қувватингизни тўлиқ сарфлашни ҳам талаб қилади.

**ТОВУҚ.** Қизиқ, аммо қувонарли ҳол: сизнинг йилингизга ўтмишга қараб кетмоқда, аммо омад сиз билан қолмоқда. Тўғрироғи, шуни ҳам ҳисобга олингки, у сизга майда ишларда ҳомийлик қилади, ва шу сабабли янги йилда катта ўзгаришларни режалаштирманг. Йилнинг янги самовий ҳомийсига хуш келиш учун ит боқишингиз мумкин. Аммо турмуш қуриш, ундан ташқари, заруратсиз ажрашиш сиз учун мақсадга мувофиқ эмас. Ташаббускорлик кўрсатманг, тақдирга қарши чиқманг, вазиятга қараб иш тутинг.

# НА ПОРОГЕ НОВОГО ГОДА

**Красная Собака сменит на посту Синего Петуха 29 января 2006 года. Четный год считается на Востоке старшим, «мужским». Поэтому, если вы давно собирались начать новую жизнь, сделайте это в 2006-м. Можете менять работу и место жительства, специальность, социальное положение.**

**Учтите, что Собака приветствует сотрудничество и объединение людей по интересам. Поэтому все общества, компании, союзы, созданные под ее покровительством, «обречены» на успех.**

### С КЕМ ВСТРЕЧАТЬ

На самом деле совершенно неважно, где вы будете встречать Новый год – дома, в гостях, на лыжной базе или даже в дороге, в шумной компании друзей, в обществе или в узком семейном кругу. Главное, чтобы рядом был самый родной для вас человек.

### ЧТО ДАРИТЬ

Любую полезную вещь, то есть то, чем будут пользоваться. Собака – существо весьма рациональное и не одобрит напрасной траты денег. Поэтому под Новый год не стоит отправляться в гости с букетом цветов или изящно упакованной фарфоровой собачкой (если хозяева их не коллекционируют).

### ЧТО НАДЕВАТЬ

Собака обожает обновки, поэтому встречать ее нужно во всем новом. Цвета предпочтительнее – красный, оранжевый, коричневый. Но вполне уместны будут и другие естественные «собачьи» тона – песочный, терракотовый, серый. От одежды и обуви с рисунком, особенно таким, как цветочки, полоски, горох, клетка, имитация шкур зебры и леопарда, на этот Новый год лучше отказаться. И не забудьте главное: ваш праздничный наряд должен быть очень удобным.

### УКРАШЕНИЯ

Положитесь на свой вкус: подойдут ювелирные изделия из платины, золота, серебра с драгоценными и полудрагоценными камнями, а также серьги, браслеты, ожерелья из кожи и дерева. Условие только одно: все должно быть настоящим.

### КУШАНЬЯ

На этот раз новогодний стол должен быть обильным: любая собака любит хорошо поесть, и Огненный Пес не исключение. Угодить звездному покровителю 2006 года нетрудно – главное, чтобы еды было много. Конечно, очень хорошо, если вы приготовите по этому случаю в качестве главного блюда баранью ногу (запеченную в духовке). Но можно обойтись и вашим «фирменным» кулинарным шедевром. Учтите, что на этот раз очень кстати будет выпечка – от блинов и пирожков до сложнейшего торта, всевозможные сладости и десерты. Разнообразные сыры и соленья, орехи и конфеты также будут не лишними.

### НАПИТКИ

Главным хитом новогодней ночи станут марочные вина, ликеры, наливки, то есть напитки не слишком крепкие, но зато вкусные. По-прежнему актуальны коктейли – нужно же достойно проводить Синего Петуха. А вот шампанским, водкой, коньяком в последнюю ночь 2005 года увлекаться не следует.

### СЕРВИРОВКА СТОЛА

Здесь Собака вполне демократична и не требует особого искусства в украшении стола. Было бы что есть! Но ни в коем случае не ставьте на стол свечи и ароматические палочки – Собака не выносит открытого огня и резкого запаха парфюма.

### ДЕНЬГИ

Судя по расположению звезд, в 2006 году кошельки у подавляющего большинства станут несколько толще. Но в год Собаки не стоит скрупулезно откладывать все средства на черный день – лучше вложить их в выгодное предприятие или купить то, о чем давно мечтали.

### БРАКИ

Счастье сулит семейный союз, созданный в будущем году как бы по необходимости, например в связи с предстоящим рождением ребенка, выездом за рубеж, проблемами в карьере или бизнесе. А самыми счастливыми будут в 2006 году браки между однокурсниками и коллегами.

### КАТАКЛИЗМЫ

Будущий год обещает быть вполне благополучным, и хотя многим из нас придется поволноваться, но глобальные катастрофы и катаклизмы, судя по расположению планет, вряд ли возможны. Самым благоприятным месяцем 2006-го будет август.

### ОТКРЫТИЯ

Неожиданным, но приятным может оказаться подъем здравоохранения: в области медицины, прежде всего в нейрохирургии и кардиологии, могут быть сделаны поистине сенсационные открытия. Возможны также выдающиеся успехи ученых в сфере точных наук.



